



“Тасдиқлайман”
Марказий банк Хоразм вилоят
Бош бошқармаси бошлиғи
К.Р.Курбанов

**Марказий банк Хоразм вилояти Бош бошқармаси маъмурий биноси ҳамда бино
теварак-атрофидаги мавжуд видеокузатув камераларни замонавий
видеокузатув камераларга алмаштириш бўйича**

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотнома
1.	Маҳсулот ёки хизмат номи	Марказий банк Хоразм вилояти Бош бошқармаси маъмурий биноси ҳамда бино теварак-атрофидаги мавжуд видеокузатув камераларни замонавий видеокузатув камераларга алмаштириш.
2.	Буюртмачи	Марказий банк Хоразм вилоят Бош бошқармаси
3.	Буюртма учун асос	Бош бошқарма маъмурий биносига ўрнатилган видеокузатув камералари эскирганлиги.
4.	Маҳсулот ёки хизмат етказиб бериладиган манзил	Урганч шаҳар, Тинчлик кучаси, 20 уй
5.	Катнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида кўрсатиладиган хизматларни сифатли ва қисқа муддатларда бажариш.
6.	Ҳужжатлар тақдим қилиниши	Etender.uzex.uz ягона электрон савдо порталининг энг яхши таклифлар булимига электрон ҳужжатлар жойлаштириш.
7.	Тижорат таклифи тақдим этиш	Бажарувчи низоми ва руйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, солиқдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотномаларни тақдим қилиши, инженер ва техник ходимлар мавжудлиги, корхона ишчи ходимларининг 5 нафардан кам булмаслиги ва mehnat.uz сайти орқали тасдиқланган маълумотнома, охириги 3 йил давомида банкларда видеокузатув қурилмаларини ўрнатиш ишларини амалга оширганлигини тугрисида тавсиянома ва тасдиқловчи ҳужжатлар, корхонанинг айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси. Ташкилотнинг видеокузатув қурилмалари, сигнализация воситаларини ўрнатиш соҳасидаги рейтинг тўғрисида маълумот, танловда Буюртмачи томонидан сўралган барча маълумотлар ва қўйилган талабларга бажарувчи томонидан маълумотлар тўлиқ тақдим қилиниши ва талаблар тўлиқ бажарилишини ва ишни тўлиқ бажара оладиган муддатини тасдиқлаш тўғрисида қафолат хати. Бажарувчи Буюртмачига оферта ва ҳужжатларни электрон ҳамда офертани ёзма равишда тақдим қилиши ва объектни кўздан кечириб, ўрганиб чиққанлиги тўғрисида далолатнома тақдим қилиши талаб қилинади.
8.	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Бажарилган ишлар бўйича ҳисоб-китоблар тузилган смета лойиха ҳужжатларига ва далолатномага мос равишда амалга оширилади.
9.	Иш ёки хизмат тури	Видеокузатув мосламаларини ўрнатиш
10.	Ишни бажариш муддати	Бажарувчи шартнома имзоланиб, олдиндан 15% (аванс) тўлов ўтказилгандан кундан 20 (иш куни) кун ичида бажарилишини таъминлаши зарур.
11.	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги коидаларига тўлиқ риоя қилишлари шарт
12.	Молиялаштириш манбаси	Бюджетдан ташқари, Республика Марказий банки маблағи
13.	Манзил	Урганч шаҳар, Тинчлик кучаси, 20-уй.